



**«MAMLAKATDA INVESTITSIYA MUHITINI YANADA YAXSHILASH VA
UNING JOZIBADORLIGINI OSHIRISH»**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI



**«MAMLAKATDA INVESTITSIYA MUHITINI YANADA YAXSHILASH VA
UNING JOZIBADORLIGINI OSHIRISH»**

**«ДАЛЬНЕЙШЕЕ УЛУЧШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В
СТРАНЕ И ПОВЫШЕНИЕ ЕГО ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ»**

**“FURTHER IMPROVEMENT THE INVESTMENT CLIMATE IN THE
COUNTRY AND INCREASING ITS ATTRACTIVENESS”**

**mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari to'plami**

12 MAY 2023 YIL

TOSHKENT-2023

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM,
FAN VA INNOVASIYALAR VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI



**«MAMLAKATDA INVESTISIYA MUHITINI YANADA
YAXSHILASH VA UNING JOZIBADORLIGINI OSHIRISH»**

**«ДАЛЬНЕЙШЕЕ УЛУЧШЕНИЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО
КЛИМАТА В СТРАНЕ И ПОВЫШЕНИЕ ЕГО
ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ»**

**«FURTHER IMPROVEMENT THE INVESTMENT CLIMATE IN
THE COUNTRY AND INCREASING ITS ATTRACTIVENESS»**

*mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari to‘plami*

12-MAY 2023-YIL

**ТОШКЕНТ
“VNESHINVESTPROM”
2023**

«Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish» mavzusida respublika miqyosida o'tkazilgan ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami –T.: TMI, 2023. – 584 b.

i.f.d., prof. T.Z.Teshabayevning umumiy rahbarligi ostida

Tahrir hay'ati a'zolari: i.f.d., prof. A.Islamkulov, i.f.d., prof. S.Mehmonov, i.f.d., prof. K.Xomitov, DSc, dots. B.Mamatov, i.f.d., prof. B.Tashmuradova, i.f.n., dots. E.Nosirov, i.f.n., dots. L.Sabirova, i.f.n., dots. M.Raimjanova, PhD. A.Shomirov, PhD, dots. O.Xamdamov, PhD, dots. J.Qurbonov, PhD, dots. A.Botirov, PhD. N.Shoislomova, PhD. D.Shodieva, Sh.Asomxo'jaeva, PhD.S.Hoshimov, PhD, dots. v.b. N.Sherqo'zieva, PhD.S.Yunusova, PhD.M.Aliqulov, PhD, dots. v.b. N.Shavkatov, PhD, dots. v.b. A.Karimov, PhD, dots. v.b. D.Abdurahimova, PhD, dots. v.b. M.Raxmedova, PhD N.Abdullaeva, PhD. J.Hoshimov, k.o'q. N.Xonova, k.o'q. Y.Arifdjanova, k.o'q. Sh.Shayakubov, k.o'q. N.Aminova, k.o'q. B.Aktamov, k.o'q. Sh.Otaxonova, k.o'q. Z.Abdurahmonova, o'q. B.Ochilov, o'q. J.Butayev, o'q. Ch.Xaydarova, o'q. S.Omonov, o'q. Sh.Begmatova, , o'q. D.Shodiboeva, o'q. D.Iskandarova.

*Taqrizchilar: i.f.d., prof. N.G'.Karimov
i.f.d., prof. S.E.Elmirzayev*

Mazkur ilmiy-amaliy konferensiya O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-oktyabrdagi «Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi PF-6097-sonli va 2022-yil 28-yanvardagi «2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida»gi PF-60-sonli Farmonida belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlashga qaratilgan. Konferensiya Toshkent moliya instituti «Baholash ishi va investitsiyalar» hamda «Korporativ moliya va qimmatli qog'ozlar» kafedralari hamkorligida tashkil etilgan.

Ilmiy-amaliy konferensiya to'plamida mamlakatimizning yirik iqtisodchi-olimlari, tajribali amaliyotchilari, oliy o'quv yurtlarining professor-o'qituvchilari, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining yetakchi ilmiy xodimlari, doktorant, mustaqil izlanuvchi va talabalarning ilmiy tadqiqot ishlari natijalari va ilmiy ma'ruza tezislari mujassamlashgan.

Ushbu nashrda keltirilgan barcha ma'lumotlar va fikr-mulohazalar mualliflarga tegishli bo'lib, tahrir hay'ati a'zolarining fikriga mos kelmasligi mumkin. Nashrda keltirilgan raqamlar, statistik ma'lumotlar, fikr-mulohazalar uchun mualliflar mas'ul hisoblanadi.

Toshkent moliya instituti Kengashining 2023-yil 30-maydagi 10-sonli yig'ilishi qarori bilan «Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish» mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plam sifatida chop etishga tavsiya qilingan.

ISBN 978-9943-13-996-0

© Toshkent Moliya instituti, 2023 © «Vneshinvestprom», 2023

маълум давр учун бутун инвестиция портфелини интеграл(уйғунликда) баҳолашга имкон беради.

Таклиф ва тавсиялар. Замонавий илмий қарашлар, норматив ҳужжатлар ва услубий қўлланмаларда инвестиция лойиҳаларининг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолаш бўйича ягона универсал ёндашув мавжуд эмас. Шу боис, инвестиция лойиҳасини таҳлил қилишда объектнинг ўзига хос (ташкилий-ҳуқуқий, тармоқ, технологик ва б.) хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд методларнинг турли комбинацияларидан фойдаланиш тавсия этилади. Ташқи омиллар билан бирга, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашга ички омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Ички омиллар таъсири асосан келгусидаги пул тушумларини прогнозлашда, яъни уларнинг қай даражада аниқлигида намоён бўлади. Самарадорлик кўрсаткичлари инвестицияларни кўпроқ молиявий жиҳатдан тавсифлайди ва олинадиган даромадлар билан сабаб-оқибатли алоқадорлигини очиб бермайди. Мухими, ушбу кўрсаткич (коэффициент)ларни ҳисоб-китоб қилишнинг соддалиги ва таҳлилнинг дастлабки босқичларидаёқ самарасиз лойиҳаларни аниқлаш ҳамда режадан чиқариб ташлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 январ 2019 йилдаги ПФ- 5635 сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 592 б.

3. R.D.Dusmuratov. MOLIYA. Darslik,. Т.: «Молия» нашриёти, 2008 й. - 276 б.

4. www.soliq.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat Soliq Qo‘mitasi.

5. www.lex.uz – O‘zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi Me‘yoriy hujjatlar bazasi portali

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРКАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ МУХИМ ОМИЛИ

*и.ф.н., доц. Шаакрамов К.К.,
“ТИКХММИ” МТУ*

Давлатимиз бебаҳо табиий бойликларни кўпайтириш, асраб-авайлаш ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш чораларини хар доим кўриб келган ва бу борада катор Ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида кечагина республикамизда булиб утган Референдумда Ўзбекистон халқи томонидан бир овоздан қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам Ўзбекистон – ижтимоий давлат, рақобатбардош миллий иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқи қафолатлари нормалари

мустаҳкамланганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор комплекс чоралар белгиланганлиги билан ифодаланади. Булардан биттаси, сўнгги йилларда автомобиллар сони кўпайиб, ҳар йили атмосферага қатта ҳажмда саноат ва транспорт чиқиндилари чиқарилаётгани ҳам ушбу масалани долзарблигини белгилаб беради.

Шу муносабат билан, республикада атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича қатор чоралар амалга ошириб келинмоқда, шаҳарсозлик фаолиятида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади деган норма Янги таҳрирдаги Конституцияда мустаҳкамланган. Аҳоли ва келажак авлод учун экологик тоза ҳудудни сақлаб қолишнинг конституциявий қафолатлари яратилган.

Ушбу мақсадли вазифаларни янада кенг қамровли ва фаоллик билан амалга оширишда “яшил” иқтисодиётни иқтисодий ривожланиш моделини республикамиз иқтисодиётига тадбик этиш аҳамиятли ва долзарблидир. Бу сайи-ҳаракатлар республикада илғор хорижий тажриба асосида инсониятни Ер ресурсларига бўлган масъулиятли ва тежамкорлик муносабатини эътиборга олиб қурилаётгани бежиз эмас.

Мамлакатимизда мазкур “яшил” иқтисодиётни амалиётга тадбик этиш борасида қатор амалий чора-тадбирлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори №ПК-4477 2019 й. 4.10.дан “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга утиш стратегиясини тасдиқлаш тугрисида”. Мазкур ҳужжатда Стратегиянинг асосий мақсади мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислоҳотларга «яшил» иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат. Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;

давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;

давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш

чораларини кўриш;

«яшил» иқтисодиёт ҳамда ташки иқтисодий алоқалар соҳасида, икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинганлигини эътироф этиш лозим - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдан ПК-436 - сонли «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга утишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратадбирлар тугрисида»ги Қарори. Мазкур Қарор билан 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш Дастури қабул қилинди. Дастурнинг мақсади ва вазифалари ичида қуйидагилар белгиланган:

- технологик модернизация ва «яшил» технологияларни жорий этиш учун молиявий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш, энергия тежаш ва самарадорлигини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни аниқлаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия менежменти орқали энергия самарадорлигини сезиларли даражада ошириш;

- «яшил» иқтисодиётга ўтишнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш, иқлим ўзгаришига доир масалаларда давлат хизматлари қамровини кенгайтириш, «яшил» иқтисодиёт соҳасида аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали аҳоли ва маҳаллий жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;

- «яшил» инвестицияларни қўллаб-қувватлаш, хусусий секторга кенг имкониятлар яратиш ва «яшил» инновацияларни жорий этишда хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳ.к.

Дастурда устувор йўналишлар ҳам белгиланган: - табиий ресурслардан барқарор ва самарали фойдаланиш; - миллий иқтисодиётнинг табиий офатлар ва иқлим ўзгаришига нисбатан барқарорлигини мустаҳкамлаш; - миллий иқтисодиёт, хусусан, саноатнинг «яшил» ва кам углеродли ривожланишини таъминлаш; - инновацияларни жорий этиш ва самарали «яшил» инвестицияларни жалб қилиш; - барқарор ва инклюзив «яшил» урбанизацияни ривожлантириш; - «яшил» иқтисодиётга ўтиш даврида катта таъсир остида бўлиши мумкин бўлган аҳоли ва уларнинг яшаш жойларини қўллаб-қувватлаш.

Назарияда “яшил” иқтисодиётни 3та меъёр асосида талқин қилиш мумкин – чекланган маконда таъсир кучини сабабсиз кенгайтириш мумкин эмас; ресурсларни чекланган шароитида чексиз хоҳиш иродани қупайтириш мумкин эмас; Ер шарида барча нарсалар бир-бири билан яқиндан боғлиқдир.

Табиат ресурсларини чекланганлиги, уни қайта тулдиришга имконият йуклиги сабабли мазкур масаланинг муҳимлигини эътиборга олиш лозим. Айниқса, бугунги кунда, фан-техника тараққиётини кескин суръатлар билан

ривожланиши ушбу масаланинг долзарблигини билдиради.

Бунда “яшил” иктисодиёт табиий бойликларни саклаб қолиш ҳамда аҳоли ҳаёти фаровонлигини ошириш уртасидаги оқилона мутаносибликни саклаб қолиш муҳим урин тутишлиги эътиборга сазовордир. Айнан, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан унумли фойдаланиб “яшил” иктисодиёт миллий иктисодиётни барқарор ривожланишида хизмат қилса мақсадга мувофиқдир.

Узоқ тарихдан маълумки, инсон табиатга нисбатан факат сарфлаш ва бир ёклама исрофгарчилик қилиб ёндашиб келган, шу билан инсон атроф муҳитга улкан ва қайтарилмас зарба бериб келган. Айнан шу даврда жаҳон ривожланган мамлакатларида “яшил” иктисодиётни жамият ҳаётига қириб келиши, ва кенг миқёсида урин эгаллаши долзарб ва уз вақтида қилинган сайи-ҳаракатларидан бири булган.

“Яшил” иктисодиёт доирасида “барқарор ривожланиш” тушунчаси 1987 йили БМТнинг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ривожланиш Халқаро комиссияси маърузасида илк номлана бошланди. Мазкур ҳужжатда тадбирлар режаси белгиланган бўлиб, у атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда инсонни талабларини қондириб манфаатларини бажарилишига қаратилган эди.

Мазкур ҳужжатда “барқарор ривожланиш”ни урта таркибий қисми мутаносиблиги шароитида юзага қилишлиги эътироф этилган: яъни, иктисодий усиш, ижтимоий жавобгарлик ва экологик баланс. “Яшил” иктисодиётни мақсадли вазифаси – ушбу элементларни бир-бирига уйғунлаштириш ҳамда мавжуд зиддиятларни қамайтиришдан иборат эди.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 2015 йилда ушбу дастурни амалга ошириш бўйича 17та устувор йуналишни ишлаб чиқди:

“Яшил” иктисодиётни устувор йуналишлари қуйидагича – Иктисодий соҳада: кашокликни йукотиш, очарчиликни йукотиш, мамлакатни индустрлаштириш, инновациялар, инфратузилма, муносиб иш уринлари ва иктисодий усишни таъминлаш, масъулиятли ишлаб чиқариш ва истъеъмолни амалга ошириш, иктисодий нотенгликни қамайтириш эди.

Экологик ҳолат – тоза сув, тоза экологик энергия, иқлим узгариши билан боғлиқ керакли булган тадбирий чораларни амалга ошириш, қуруқликда мавжуд экотизимни саклаб қолиш, денгиз экотимини саклаб қолиш ва х.к.

Ижтимоий соҳада – одамларни соғломлиги ва мувофақиятини белгилаш, сифатли таълимга эришиш, гендер тенглик, самарали институтлар яратиш, халқаро ҳамкорликни келажак авлодларнинг манфаати йулида олиб бориш ва х.к.

2012 йили БМТнинг Экологик дастури доирасида қуйидаги принциплар шакллантирилган: - самарадорлик ва етарлилик принципи (табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик асосида фойдаланиш);

- фаровонлик принципи (иктисодий ва ижтимоий, ЯИМни экология омили орқали қуриб чиқиш);

- тугри бошқарув принципи (“тиник” иктисодиёт, масъулият, ягона бошқарув тизимини яратиш);

- Ер шарини соғлом принципи (атроф мухитни тиклаш учун инвестициялар жалб этиш, табиатни хилма-хиллигини сақлаб қолиш);

- янги тизимнинг шиори: “...Биз Ер шарини оталаримиздан мерос қилиб олганимиз йук, биз уни фарзандларимиздан қарзга олганмиз...”.

“Яшил” иктисодиётни ривожлантириш хужалик фаолиятини ташкил этиш билан биргаликда биомақонни ва одам цивилизациясини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, ушбу сайи-харакатлар инсон ҳаёти фаровонлигини ошириш билан бирга биомақонни яхлитлиги ва таҳдидларсиз фаолият юритилиши билан боғлиқ бўлишини таъминлаш назарда тутилган эди. “Яшил” иктисодиёт тизимини йуналишлари: 1) қайта тикланадиган энергия манбаларини қиритиш; 2) чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш; 3) сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш; 4) “соф” транспортни ривожлантириш; 5) қишлоқ хужалигида органик дехқончиликни ривожлантириш; 6) уй-жой коммунал хужалиги соҳасида энергия тежамқорлигини таъминлаш; 7) экотизимларни самарали бошқариш ва ҳ.к. Ўзбекистон сиёсати халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида янги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилгандир. Ушбу тадбирлар асосида 2030 йилга қелиб қайта тикланадиган энергия манбалари улушини энергетика секторида 30 фоизгача қупайтиришга имқоният яратилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқумати «яшил» иктисодиётга утиш жараёнини мамлақатнинг устувор йуналиши сифатида қабул қилиб тизимли равишда миллий иктисодиётга уни тадбиқ этилишига барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди ва уларни амалиётга қиритиб бормоқда. Ушбу тадбирлар режаси нафақат миллий иктисодиётни барқарор ривожланишига замин яратиб қолмасдан, балки атроф-мухитни софлилигини сақлаб қолишга, Ўзбекистон халқининг соғлом ва фаровон ҳаёт кечирishiга асос бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

ЗЕЛЁНЫЕ» ИНВЕСТИЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

*Умарова Азизахон Илхамбабаевна,
и.о. доцента Ташкентского
Международного университета Кимё*

В последние годы в мире теме зеленого финансирования уделяется огромное внимание. Набирает популярность она и в Узбекистане, как в научном дискурсе, так и в практической работе. Глобальная инвестиционно-финансовая система тоже глубоко вовлечена в этот процесс. Факторы ESG (environmental, social and governance), учитывающие три ключевых составляющих устойчивого развития (экологическая, социальная и корпоративная управленческая ответственность), легли в основу такого

18.	<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna</i> - IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYAGA YO'NALTIRILGAN INVESTITSIYALARNING O'RNI	60
19.	<i>G'ofurov Temur Baxrom o'g'li</i> - DAVLAT XARIDLARINI TAKOMILLASHTIRISHDA ILG'OR XORIJIY TAJRIBALARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	63
20.	<i>Raimov Farrux Avazjon o'g'li</i> - OO'ZBEKISTONDA QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORINI RIVOJLANTIRISHDA INVESTITSION FONDLARNING O'RNI	68
21.	<i>Nosirov Egamkul Ismailovich, Mirjamolov Bobir Mirkomil O'g'li</i> - THE ROLE OF MARKETING RESEARCH IN THE IMPLEMENTATION OF INVESTMENT PROJECTS	71
22.	<i>Э.И.Носиров</i> - ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	74
23.	<i>Шаусламова Наргиза Кабиловна</i> - ИНВЕСТИЦИЯ РИСКЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКISTONDA ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ	77
24.	<i>Meliboyeva Muqaddas Hikmatovna, Mamatov Mirzohid Mahmud ugli</i> - EXPLORING THE RELATIONSHIP BETWEEN FOREIGN DIRECT INVESTMENT AND ECONOMIC GROWTH IN UZBEKISTAN	81
25.	<i>Каюмов Равшан Исмаилович</i> - РАСЧЕТ СТАВКИ ДИСКОНТИРОВАНИЯ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ	84
26.	<i>Nigmatov Jasur Dilmurod o'g'li</i> - MOLIYA BOZORIDA INVESTITSIYALAR SAMARADORLIGINI VAHOLASH VA OSHIRISHNING XORIJIY TAJRIBALARI	87
27.	<i>Ismailova Nigora Yarkinovna</i> - INVESTITSIYALAR SAMARADORLIGI BOSHQARUVIDA ICHKI AUDIT ZARURATI	90
28.	<i>Ashurova Oltin Yuldashevna</i> - REAL INVESTITSIYALAR SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDAGI AHAMIYATI	93
29.	<i>Rahmedova Madinakhon Nusrat qizi</i> - KEY TRENDS IN THE GLOBAL GREEN BOND MARKET	97
30.	<i>Karimova Sayyora Abdurashid qizi</i> - IQTISODIY TARAQQIYOTGA ERISHISHDA INVESTITSIYALARDAN SAMARALI FOYDALANISH	100
II SEKCIYA.		
31.	<i>Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ</i> - ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ВА УНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ	104
32.	<i>Раджапбай Дусмуратов</i> - «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ДАРОМАДЛИЛИГИНИ АСОСЛАШ	109
33.	<i>К.К.Шаакрамов</i> - “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРКАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ МУХИМ ОМИЛИ	112
34.	<i>Умарова Азизахон Илхамбабаевна</i> - «ЗЕЛЁНЫЕ» ИНВЕСТИЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКISTAN	116
35.	<i>D.Saidov, I.D.Rasulova</i> - MAMLAKATIMIZDA YASHIL IQTISODIYOTGA O'TISH ZARURATI	119
36.	<i>Sh.Sh.Asamxodjayeva, M.M.Maxmudov</i> - YASHIL IQTISODIYOTNING MAZMUN-MOHİYATI VA AHAMIYATI	122
37.	<i>Mamatov Bahodir Safaraliyevich, Nasrullayev Alisher Fayzullo o'g'li</i> -	124